

V-VI асрларда Вьетнам жамияти

Илк ўрта асрларда Вьетнам давлати хозирги шимой ва марказий кисмини эгаллаб, шимолий Хитой, шимолий-гарбда Тай давлати, гарбда лаос кабилалари, жанубий-гарбда ва жанубда Кхмерларнинг Камбужежа империяси ва Тьямпа давлати билан гечарадош бўлган.

Вьетнамликлар қадимги дехкон халк - шоли, сабзовот етиштирилган, буйвол, хўкиз боқилган, ипакчилик билан машгул бўлганлар. Марварид етиштирилган, экспорт қилган. Турли зираворлар, доривор ўсимликлар қамб қушлар патлари Хитойда жуда қадрланган.

Шимолий Вьетнам тоғларида мис, темир, рух, олтин қазилган. Фил суяги, носорог шохи катта фойда келтирган. Походдан тўқилган буюмлар Узок Шарқда машхур бўлган. Вьетнам Хиндистон, Хитой ва хатто Ўрта дёнғиз билан савдо қилган. лАунгбьен, Тонглинь йирик маданий марказлар эди.

Бу даврда қўл меҳнатидан унча кенг фойдаланилмаган. (кишлок хўжалигида). Хукмрон синф меросий аристократия ва помешник (куан)лардан иборат эди.

Вьетнам давлати мустақиллиги учун кураш

VI аср бошларида Вьетнам Хитойга тобе эди. Хитойнинг ўз хокимиятини янада мустақамлашга қаратилган харакати очикдан-очик курашга туртки берди.

541 йилги умумхалк кўзғолони оқибатида мамлакат мустақиллиги эълон қилинди. Кўзғолон йўлбошчиси, йирик чиновник Ли Бон император деб эълон қилди. У Илк Ли (Ранних Ли) сулоласига асос солди (541-603 йй). Вьетнам халки барча табақалари иштирок этган уруш жуда чўзилди. Шимолда Хитойга, жанубда Тьямпа давлатига қарши кураш олиб бордилди.

Ташки сиёсий вазиятни мустақамлагач Ли Бон мамлакат ички ахволи билан машгул бўлди.

544 йили давлат «Вансуан империяси» – «Ўн минг бахор империяси», деб номланди. Давлат апаратыга Ли Бон сафдошлари қиритилди. Махаллий маъмурий аппаратда асосан ерли аҳоли олинган.

545 йили харбий харакатлар қайта бошланди, мағлуб бўлган Ли Бон лаосс кабилаларидан ёрдам олиш умидида кичик бир отряб билан шимолий-гарбга қочди. У 546 йили мамлакат марказида жанг бошлашга уриниб кўрди, лекин мағлуб бўлиб, токка чекинди.

546-547 йилларда хитойликларга қарши лашқарбоши Чиеу Куанг Фук харакат қилиб, 548 йили Ли Бон ўлимидан сўнг амалда хукмдорга айланган. 551 йили мағлуб бўлган Хитой армияси Вьетнамни тарк этган.

Ташки уруш тугагач император ва армия кўмондонлари ўртасида бошланган ички уруш, 559 йили мамлакатнинг вақтинча иккига бўлинишига олиб келди. /арбда Озюен шархрини пойтахт қилиб олган Чиеу Куанг фук, шарқда корол оиласи вакили Ли Фат Тў хукмронлик қилганлар. У расман бутун мамлакат императори ҳисобланарди, Ли уруғ аъзолари давлатда асосий мансабларни эгаллаганлар. 602 йили Хитой феодаллари Вьетнамга қарши яна уруш бошлаб, жанубга катта армия жўнатганлар. Вьетнам яна Хитой вассалига айланган (сюзеренитет). Ли фат Тў асир сифатида Хитойга олиб кетилган. Илк Ли сулоласи тугагач Вьетнамда Хитой маъмурий тизими тикланган. 622 йилдан Вьетнам Хитой манбаларида «Анна» (аникроги «Аньнань» «Бўйсундирилган жануб») деб атала бошлаган. Мухим стратегик пунктларда Хитой гарнизонлари турарди. Лекин амалда мамлакатни вьетнамликлар бошқарганлар. IX аср ўрталарида Вьетнам шимолига Нанчъжаодан тай қабилалари кўчиб келган. Хитой ҳокимияти бунга қаршилик қилди, 865 йили армия кўчиб келганларни қириб ташлади. Бу галаба Тан империясига Вьетнамда ўз позицияларини мустаҳкамлаб олиш имконини берди. Хитой вакили Гао Бянь маъмурий аппаратни тартибга солиш мақсади баъзи тадбирларни амалга оширган. Солик қисқартирилган, солиқнинг ягона тизими ишлаб чиқилган. Хитой армияси марказда эмас, чегара районларида ўрнашган. Пойтахт Латхань мустаҳкамланган. Маъмурият ва гарнизон жойлашган қалъа (қитадель) 2 қаватли девор билан ўраб олинган, аҳоли ундан ташқарида яшаган. Йўллар қурилган, дарё ва каналлар тозаланган. Гао Бянь фаолияти хитой-Вьетнам муносабатларини юмшата олмаган. Вьетнам мустақиллик учун кураши тўхтамаган. X асрда унга харбий хизматдаги феодал бюрократия йўлбошчилик қилган. Хитойдаги дехқонлар кўзғолони, Хуан Чаонинг жанубга юриши, Хитой феодал империяси заифлашуви Вьетнамга ёрдам берган. У 906 йили яна мустақил давлат деб эълон қилинган. Бой чиновник Кхук Тхуа За Карол (вуа) деб эълон қилинган. (феодал Вьетнам тарихшунослиги унинг сулоласини тан олмаган. Кхук Тхуа За Хитой императори томонидан губернатор лавозимига тайинланган эди). 908-917 йилларда қатор ислохотлар ўтказилган: солиқ ва меҳнат мажбуриятлари тизими тартибга солинган, қишлоқдаги Хитой системаси йўқотилган, юқоридан қуйиғача маъмурий аппарат алмаштирилган. Провинция (вилоят), уезд, район, жамоага бўлинган. 931 йили чегарада баъзи тўқнашувлар бўлиб турсада хитойликлар Вьетнамдан бутунлай қувилган. 939 йили Батьжянга дарёси қуйилишида хитой флоти устидан галаба қозонилган. Янги Вьетнам сулоласи асосчиси Нго Кюён мамлакат пойтахтини эрамиздан аввалги III асрдаёқ пойтахт бўлган шаҳар Колоага кўчирди. Янги маъмурий аппарат фақат Вьетнам чиновликларидан иборат эди. Қадимги Вьетнам традицияларини тиклашга саройда ҳам эътибор берилди. VII-X асрларда Вьетнам иктисодиёти ва маданияти. Бу даврда аҳоли сони ўсди, ер майдони кенгайди, йирик ирригация ишлари амалга оширилди. Хосил ошди, Қишлоқ ташкилоти қуйи формаси жамоа эди. Ер, ўтлоқ ва ўрмон жамоага қарашли бўлган. Феодаллашув жараёнида Вьетнам жамоаси ичида дифференциация юз берган (Табақалашув). Ернинг олий эгаси давлат. Феодал, қоролар будда манастралари, ер эгалари ҳам мавжуд эди. Хукмрон синф икки гурппага бўлинган: биринчи меросий аристократия, иккинчи чиновниклар.

Чиновниклар хизмат эвазига жамоаларнинг солиқ олиш ҳуқуқига эга бўлганлар. (хаммасидан эмас ажратилганидан).

Дарё хавзалари, денгиз киргокларида янги шаҳарлар пайдо бўлган. Метал ишлаш ва кулолчилик юкори даражага чиққан. Метал предметларининг хаммаси Вьетнамнинг ўзида ишланган. Меъморлар кўп каватли бино ва калъалар курганлар. (гиштин ва ёғоч бинолар).

Меъморчилик ва санъатда махаллий традиция кучли VIII аср охирида «Дайла услуби» номли (шаҳар номи) услуб пайдо бўлган. (Бинолар, ибодатхоналар, миноралар). Биринчи кават унча баланд эмас. Хар бир каватда махсус меҳорба Будда хайкали мавжуд Том букилган. Маълум даража меъморчиликда

Хиндистон таъсири мавжуд

Ўймакорлик юксак даражада бўлган. Ўша даврдан ТО-рой баралъефи сакланган. (Турли такинчоклар орасида флейта (сурнай) чалаётган рух тасвирланган).

Дайла услубидаги керамика хам ажойиб. /иштлар, чирипица, идишлар рельефли безаклар билан копланган. Мотив махаллий, накшларда эса Хинд ёки Хитой элементлари бор.

X асрдаги сиёсий вазият

Вьетнам феодаллари марказий хокимият кучайувини истамай, кўпинча ўз кўшинлари билан королга карши чикардилар. Чиновниклар бўлса марказий хокимият томонида турган. X аср ўрталари жиддий ўзаро урушлар бўлиб ўтган. Мамлакат хонавайрон бўлиб, 12 та мустакил феодал ерига парчаланган.

Урушлар дехконларни хам хароб килган, кўзголонлар бошланган. Яна Хитой хужуми хавфи пайдо бўлган. Бу шароитда машхур чиновник ва лашкарбоши Динь Бо линь мамлакатни бирлаштириш учун кураш бошлаган. /алабалар уни амалда хукмдорга айлантирган. У 968 йили император деб эълон килинган. Динь сулоласи бошланган. Мамлакат Дайковет «Улуг кадимий Вьетнам») деб номланган.

Янги маъмурий ислохот таркоклик тугатишга каратилди. Янги маъмурий бирликлар чегараси Вотчиналар чегараси билан мос тушмасдан янги сулола Вуалар бу соҳадаги ишда ўз иктисодий кудратларига таянганлар (ўз хусусий мулклари).

Дайковетнинг янги пойтахти Хоали девор ва хандак билан ўраб олинган. Давлат ва харбий аппарат ислох килиниб, унга асосан Динь тарафдорлари кабул этилган. Ички сиёсат билан бемалол шугулланиш учун Хитой билан чегарада сокинлик даркор эди. Шу максадда Динь 971 йили Сун саройига элчилар жўнатди. 972 йили Хитойнинг номинал сюзеренитетини тан олиб, бироз ўлпон тўлайдиган бўлди. Бу мажбурият уни

анча кўлини бўшатди, ташки хавфдан чўчимай, ички ишлар билан машгул бўлиди, бўйсунмаган феодалларга карши курша кучайтирилди. Вуа 10 корпус (зао) га бўлинган регуляр армия ташкил этди. Барча ракиблар мажакланди. (Иван Вьенамский) асрга олинган ёгда ковурилган, Вуа богида йирткичларга едирилган).

Лекин феодаллар сарой тўнтарилишини амалга оширганлар. Дин ва Линь ўлиmidан сўнг яна ўзаро урушлар бошланган, Хитойликлар ундан фойдаланишга урунганлар. Бу хавф каттиккўлни талаб этди, зодагонларнинг бир кисми бош кўмондон Ле Хоанни вуа деб эълон килиш тарафдори бўлиб чиқди.

981 йили янги вуа (Ле Дай Хан номи билан машхур) икки группа армия билан бостириб келган. Хитой армиясини мажаклади.

Илк Ле сулоласи хукмронлиги даврида (981-1009) давлат мустахкамлана борди. Унга буддизм ёрдам берди. Буддизм олтинчи асирдаёк хукмрон динга айланган. Уч мактабларидан бири – «ТХИЕН» (дхьяна медитация сўзидан) Вьетнамда ракибсиз хукмрон бўлган. Уч асосий доктриянаси: «инсон ўз юраги билан будда юрагини англайди», яъни инсон табиатдан соф англашмовчилик ва хатолардан халос. Буддизмга давлат доимо хомийлик килган.

Нирванага эришув факат унинг ўзига боглик.

Тхиен мактаби – индивидуалистик динн, лекин вьетнам шаклида давлат динига айланган.

3. Мадрахимов.